

**Министерство Здравоохранения Республики Узбекистан**  
**Министерство высшего и среднего специального образования Республики**  
**Узбекистан**

**Самаркандский государственный медицинский институт Кафедра**  
**педагогики и психологии**



**ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ И ЛИНГВОПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ  
И РАЗВИТИЯ, ФОРМИРОВАНИЯ ИСТАНОВЛЕНИЯ ЛИЧНОСТИ ВРАЧА**

**МАТЕРИАЛЫ**

международнай научной конференции

(Самарканд, 5 мая 2021 г.) Под ред. РИЗАЕВА Ж.А.

Самарканд - 2021

**«Педагогические и психолингвистические особенности развития, формирования и становления личности врача»**

Ахмадова З.Ш. АЛИШЕР НАВОЙИНГ ТАРИХНАВИСЛИК ФАОЛИЯТИ	122
Бекмиров Т.Р., Нурматов А.Н. ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ТАЛАБАЛАРИНИ ЎҚИТИШНИНГ ЎЗИГА ХОСХУСУСИЯТЛАРИ	123
Бекмиров Т.Р. ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ ОЛИШ ЖАРАЁНИДА ЎҚУВ МОТИВАЦИЯСИНИНГ АҲАМИЯТИ	124
Бахриева Н.А. МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИ ИЖТИМОЙ-ҲИССИЙ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ	125
Бозорова Р.Ш. ТАЪЛИМ – ТАРБИЯНИНГ МАЗМУНИ ВА САМАРДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИ	126
Бозорова Р.Ш. МЕҲР - АХЛОҚИЙ МУНОСАБАТ ВА ТАРБИЯ МЕЗОНИ	127
Ваҳабов М.Т. ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИДА ЖАҲОН МАЪНАВИЙ ҲАЁТИДАГИ ТЕНДЕНЦИЯЛАР ТАҲЛИЛИ ҲАМДА ТАРФИБОТ ВА ТАШВИҚОТ МАСАЛАЛАРИ	128
Джамалдинова Ш.О. МУАММОЛИ ТАЪЛИМДА ПЕДАГОГНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИЛИГИ ДАРАЖАСИ	129
Джамалдинова Ш.О. МУАММОЛИ ЎҚИТИШ КЕЧИМИНИНГ МИЛЛИЙ ТАРБИЯШУНОСЛИК ИЛМИДАГИ ЎРНИ ВА РОЛИ	130
Даминов А.С. БУХОРО АМИРЛИГИДА РУС ЭЛЧИХОНАСИНИНГ ҚУРИЛИШИ ТАРИХИГА ДОИР ЁЗИШМАЛАР	131
Дустов Ж. БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИ КАСБИЙ ИЖТИМОЙЛАШТИРИШ ВА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ЎЗАРО АЛОҚАДОРЛИГИ	133
Жўракулова Б.Т., Разыкова К.У. ЎҚИТУВЧИ ФАОЛИЯТИ КИРРАЛАРИ	133
Жабборова О.М., Бахтиёрова С.Э. БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ ИЖТИМОЙЛАШТИРИШ ТИЗИМИ	135
Жабборова О.М. БОШЛАНГИЧ ТАЪЛИМДА ТИББИЙ-ПЕДАГОГИК ХИЗМАТ	136
Жалолова Д.С. ОТМ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ЙӮНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ КАСБИЙ ИЖОДКОРЛИК КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ	137
Жалолова Д.С. БЎЛАЖАК ТАРБИЯЧИЛАРНИНГ КАСБИЙ-ИЖОДКОРЛИЛИК КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИ	137
Ибраимов Х.И. ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА ИНСОНПАРVARЛИК ПАРАДИГМАСИНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ЗАРУРАТИ	138
Ибрагимов А. КОГНИТИВ КОМПЕТЕНТЛИЛИК – ПЕДАГОГНИНГ КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛИГИНИНГ ОМИЛИ СИФАТИДА	139

## **«Педагогические и психолингвистические особенности развития, формирования и становления личности врача»**

---

холда яхши натижага эриша олмайди.

Шу билан бир қаторда талабаларни билим згаллашларида ижтимоий ҳолатлар ва таҳсил олинаётган гурухнинг ҳам маълум даражада таъсири бўлиб, буни аниқлаш мақсадида «Талабаларнинг гуруҳдаги фаоллигини аниқловчи ижтимоий-психологик сўровнома» орқали таҳдил қилинди. Бунинг учун тадқиқотнинг натижаларини янада ишончли бўлиши мақсадида саволноманинг икки хил варианти ишлаб чиқилди ва биринчи вариант саволнома 20 та кисман таркиб топиб, 1-2-3 боскич талабаларнинг турли факультетларидан 342 нафари иштирок этилди.

Уни амалга ошириш борасида олинигдан натижалардан гурухнинг билимларни ўзлаштиришга таъсири, фаол талабанинг таълим жараёнидаги тенгдошларига таъсири, гурух аъзоларининг фанларни ўзлаштиришдаги ўзаро ҳамжиҳатлиги, уларнинг гурухнинг умумий мавқенини кадрлашдаги курашувчанликлари, гурухда талабаларнинг билимларни ўзлаштиришда ўзаро қўллаб-куватлаш аниъанаси, ўқитувчиларнинг талабаларни ўзлаштиришидаги таъсири ва улар талабаларнинг фанларни ўзлаштириш жараёнида қўллаб-куватлашлари, уларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва ёрдам кўрсатиш гурухнинг ташкил этилишининг аҳамияти юқори даражада эканлиги аниқланиди. Лекин талабаларнинг фанларни ўзлаштиришида бир-бирига нисбатан эътиборсизлиги паст эканлиги ҳам кузатилди.

Шу билан бир қаторда талабанинг касбий шаклланиши учун гурухнинг таъсири жуда юқори ва юқори даражада эканлиги маълум бўлди. Бу ўз навбатида бўлажак шифокорнинг шахс сифатида камол топишида албатта ўз самарасини бермай колмайди.

Саволномадан таълим олиш жараёнида оиласидаги муҳит ва ота-оналарнинг таъсири сезиларли даражадалиги ҳам аниқланиди. Айниқса, олий маълумотли бўлган ота-оналарнинг ўз фарзандларини билим олиш жараёнлари билан қизиқишилари ва уларни мунтазам равишда назорат қилиб туришлари таълим самарадорлигини ошириш ва фаоллаштиришга кўшган хиссаларидан далолат беради.

Тадқиқотдан гуруҳдаги яхши ўзлаштиромайдиган талабаларнинг ўкув жараёнига таъсири, уларнинг ўқишига бўлган қизиқишилари бошка тенгдошлариникидан қанчалик фарқ қилиши ва гуруҳдаги илғор талабаларнинг ўз навбатида қолоқ талабаларга таъсири етарли даражада эмаслиги ҳам кузатилди.

Хулоса қилиб шунни айтиш жоизки, тиббиёт институти талабаларнинг билим олишига нисбатан бўлган мотивлари ўртача даражада ривожланганини маълум бўлди. Шунинг учун педагоглар ўкув фаолияти мотивациясига алоҳида эътибориларини қартишлари, ёш авлодни келажакда яхши касб згаллари бўлиб, давлатимиз ва жамиятимизга фойда келтирадиган авлод сифатида камол топишида барчамиз ўз хиссамизни кўшишимиз керак.

### **МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИ ИЖТИМОЙ-ХИССИЙ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ**

Бахриева Н.А.

Бухоро давлат университети, Бухоро, Ўзбекистон

Кириш. Болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашни айнан уларни ижтимоий-хиссий ривожлантиришдан бошлаш зарур. Замонавий мактабгача таълим ва тарбия амалиёти кўрсатишича, мулоқотни самарали ташкил этиш умумий шаклда оширилсада, бирор, у бошқарилмайди ва маълум даражада мавхумлик касб этади. Мулоқотни такомиллаштириш бўйича маҳсус дастурларнинг мавжуд эмаслиги болалар билан коммуникатив вазифаларни ечишда маълум тўсикларга сабаб бўлади. Шу муносабат билан ишлаб чиқиладиган дастур ва методика асосида машғулотларни ташкил этиш орқали болаларни ижтимоий-хиссий ривожлантириш имкониятлари кенгаяди.

Тадқиқот методлари. Мактабгача ёшдаги болаларнинг ижтимоий-хиссий ривожланганини диагностика қилишда сўровнома, сұхбат, кузатиш методлариридан фойдаландик ва боланинг шахслараро муносабатлар соҳасини, унинг оиласидаги муносабатларни

## «Педагогические и психолингвистические особенности развития, формирования и становления личности врача»

идрок этишини Рене Жиллинг болалар проектив тести орқали ўргандик.

Натижалар. Мактабгача таълим ташкилотларида гурӯҳ шароитида ҳар бир бола билан индивидуаллашган тарзда ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнида уларни ижтимоий-хиссий ривожлантириш мақсадида дастур тайёрлашга эришдик. Дастур мактабгача ёшдаги (6-7 ёш) болалар билан ташкил этиладиган машгулотларни ўзи ичига камраб олган бўлиб, “Илк кадам” давлат дастури ҳамда мактабгача ёшдаги болаларни ривожлантириш бўйича “Давлат талаблари”га биноан: “Мен-концепция”, “Хиссий ривожланиш” ва “Ижтимоийлашув” йўналишларига асосланган ҳолда тайёрланди.

Тадқиқот натижаларига кўра, болалар мулоқотда вербал ва новербал воситалардан фойдаланади, бирок, мулоқотнинг мазмунли ва технологик жиҳати уларда анча пастлиги маълум бўлди. Бошқаларнинг эмоционал ҳолатини англаш ва шунга кўра мулоқотни ташкил этиш эмоционал интеллектнинг муҳим белгиси сифатида аҳамиятли бўлиб, ижтимоий-хиссий ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Эксперимент натижаларига кўра, мактабгача ёшдаги болаларнинг хавотирланиш даражаси анча паст бўлиб, асосан уларнинг маълум фаолиятга нисбатан шаклланган тасаввурлари доирасида намоён бўлди. Катта мактабгача ёшдаги болаларнинг ривожланиши ўзида эмоциялар ривожланиши билан боғлиқ чукур, яхлит жараёни акс эттириши, эмоциялар умумий ривожланишида муҳим ўрин тутиши маълум бўлди. Эмоциялар боланинг ўчишидаги самарадорликни аниқлаштиришда, боланинг изходий, меҳнат, ўкув фаолияти ва тенгдошлари билан ўзаро муносабатларини ташкил этишида иштирок этиши кузатилди.

Махсус машгулотлар якунида мактабгача ёш даврида хиссиятларнинг барқарорлиги янада кучайди, улар анча чукур, англанган ва умумлашган характер касб эта бошлади, болада ўзининг эмоционал реакцияларини назорат қилиш малакалари жадал шаклана бошлади. Янги, олий, яъни ахлоқий, эстетик, билишга қаратилган хиссиятлар пайдо бўлди. Бу ёш даврида бола нафакат ўзининг симпатия/антисимпатиясини, балки ҳамдардлигини, бағрикенглик ва назокатини, яқинларига нисбатан муҳаббатини, гурур ва уят каби хиссий ҳолатларини ҳам кўрсатиш имкониятлари кенгайгандиги кузатилди.

Хулоса. Мактабгача ёшдаги боланинг эмоционал соҳаси амалий фаолият жараёнида, инсонлар, предметли олам билан ўзаро таъсир жараёнида шаклланади ва ўзгариб боради, кейинчалик, шу асосда ўзига хос психик фаолият – эмоционал хаёл пайдо бўлди. У ўзида аффектив ва когнитив жараёнилар яхлитлигини, яъни, аффект ва интеллект бирлигини намоён этади. Хиссиятлар мактабгача катта ёш гурухи даври охирида боланинг ҳулқ-атвори ва ҳатти-харакатлари мотивига айланади. Албатта, таълим-тарбия жараёнида ушбу педагогик-психологик жиҳатларга эътибор қаратган ҳолда ишни ташкил этишиб изжобий натижаларга олиб келади ва болаларнинг ижтимоий-хиссий ривожланишига хисса кўшади.

### **ТАЪЛИМ – ТАРБИЯНИНГ МАЗМУНИ ВА САМАРДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИ**

**Бозорова Р.Ш.**

*Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти  
Бухоро филиали, Бухоро, Ўзбекистон*

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-педагогик шароитига мослашган таълим технологияларини яратиш ва уларни таълим-тарбия амалиётида қўллаш бугунги кунининг долзарб вазифасидир.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.Каримов “Тарихий хотирасиз – келажак йўқ” асарида комил инсон уни тарбиялаш ҳакида аниқ таъриф берган. “Комил инсон деганда биз, энг аввало, онги юксак, мустакил фикрлай оладиган, ўз ҳулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўла оладиган, билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз”.

Комил инсонни тарбиялаш таълим муассасалари олдидағи муҳим вазифадир. Бу вазифани муваффакиятли амалга ошириш замонавиий таълим технологияларидан фойдаланиш